J. Juraev

Attitude to the genre "Muammo" in the Uzbek literature

In the article we are talking about a place in the poetry genre "Muammo" by Uzbek poets 15^{th}–20^{th} centuries. As well as conclusions on the particular themes and of poetic verses in the genre muammo poets lived in the above mentioned period.

Key words: *Uzbek literature, a genre "Muammo", "Muammo" features of the genre, a literary trend.*

М. Эшмуҳамедова

Машҳур аёллар тарихи ўрин олган "Машҳур хотунлар" тазкираси ҳақида

Тазкиралар ҳақида сўз кетганда улардаги маълумотлар асосан эркаклар фаолиятига, ижодига бағишланганлигининг гувоҳимиз. Аёллар ҳақида маълумот берадиган бундай асарлар кўп эмас. Ана шундай асарлардан бири Ризоуддин ибн Фахриддин қаламига мансуб бўлиб, "Машҳур хотунлар" деб номланган. Бу асар тазкира шаклида ёзилган бўлиб, XIX асрда Оренбургда чоп этилган.

Ўз ичига катта бир даврни қамраб олган "Машҳур хотунлар" асарида мусулмон Шарқида яшаб фаолият олиб борган 550 дан ортиқ аёл ҳақида маълумот берилади. Бу аёллар араб, форс ва турк дунёсида яшаб, ижод қилганлар ҳамда фаолият олиб борганлар. Булар ичида жоҳилия даврида яшаб ижод этган шоиралар бор (зеро, жоҳилия даври араб шеърияти юксак мақомни эгаллаганлиги тарихдан маълум). Саодат асрида яшаб ижод этган шоиралардан тортиб то XX асргача яшаб ўтган ижодкор аёллар ҳақида маълумот берилган.

"Машҳур хотунлар" асарини тазкира деб атайдиган бўлсак, бу тазкирадан фақат ижодкор аёллар фаолиятигина эмас, балки

- пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қизлари;
- у кишининг аёллари;
- аммалари;
- муҳаддисалар;
- мусаннидалар;
- шайхалар;

- фақиҳалар;
- ижодкор ва муҳаррир аёллар;
- адибалар;
- мударрисалар;
- зоҳида ва воизалар;
- хатиба аёллар;
- моҳир хаттот аёллар;
- оёқ билан ёзганлар;
- ҳукмдор аёллар;
- Булғор – Сарой – Қозонда яшаб фаолият олиб борган машҳур аёллар;
- баҳодир аёллар;
- табиблик қилган аёллар;
- саёҳат ва ҳаж қилган аёллар;
- кўзи ожиз аёллар;
- серфарзанд аёллар;
- пайғамбарлик даъвосини қилган аёллар;
- аруз илми билимдонлари;
- фаррошлик қилган саҳоба аёллар;
- узоқни кўра олувчилар;
- вафодорлар;
- аҳмоқлар;
- инсоният учун кўп фойдали иш қилган аёллар;
- меҳрибон мураббиялар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.

Кўриб ўтганимиздек, “Машҳур хотунлар”дан нафақат ижодкор аёллар тарихи, балки жамиятнинг турли табақа вакиллари ва турли соҳада машҳур бўлган аёллар тарихи ҳам ўрин олган экан.

Одатда тазкираларда маълум бир мезон асосида иш юритилади. Масалан, “Мажолис ан-нафоис”да Навоий бир ижодкор ҳақида сўз айтар экан, унинг ҳаётига доир қисқача маълумот бериб, шеъридан намуна келтиради. Кейин адабиётшунос сифатида ижодига баҳо беради. Айрим ўринларда мазкур шахсга доир қизиқарли воқеаларни ҳам келтириб ўтади.

“Машҳур хотунлар” эса бошқачароқ йўл тутилган. Айрим аёллар ҳақида қисқача маълумот берилиб, ижодидан намуна келтирилади. Сўнгра унинг ижодига баҳо берилади ёки ҳаётига доир аҳамиятга молик бўлган воқеалардан келтирилади. Масалан, “Зайнаб ал-Марийя андалусиялик машҳур адиба. Ҳусну жамолда тенгсиз, нозикфаҳм аёл бўлиб, замондош шоирлар билан мушоира қилган. Унинг шеърлари ёқимли, замона адиблари яхши қабул қилган эканлар”. Кейин шеъридан намуна келтирилади:

يَا أيها الراكب الغادى مطيته
عرج أنبئك عن بعض الذى اجد
ما عالج الناس من وجد تضمنهم
الاووجدى بهم فوق الذى وجدوا

Мазмуни: *“Тонгдан оқ отлиқ кетаётган одам, бироз сабр қил! Қайғу ва ҳасратларимнинг бир қисмини сенга сўзлай! Менинг ҳасратларим шу қадарки халққа тўппа-тўғри етиб борадиган ғамларнинг барчасидан меники ортиқроқдир”.*

Кейин бу шоира ҳақидаги ушбу маълумот билан фикра тугайди: “Бу аёл вафот этганида илму адаб аҳли ниҳоятда қайғурганлар” [2: 228].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, “Машҳур хотунлар”дан ижодкор аёллардан ташқари тарихда ўтган машҳур аёллар тарихи ҳам ўрин олган. Масалан, “Зийнатнисо бегим Деҳли подшоҳларидан Аврангзеб Оламгирнинг қизи, Зебуннисо бегимнинг синглиси. Ҳиндистоннинг биринчи даражали шоираларидан бўлиб, Қуръонни ёд олиш билан бирга етук олима ҳам эди. У Шоҳжаҳонобод шаҳрида ниҳоятда муҳташам ва зийнатли бўлган “Зийнат ал-масожид” деб номланган бир жомеъ қурдирган. Зийнатнисо бегим ҳижрий 1122 йил вафот этган ва мазкур масжид ёнига дафн этилган” [2: 212]. Муаллиф Зийнатнисонинг шоира эканини таъкидлагани ҳолда шеърларидан мисол келтирмайди.

Бу тазкиранинг аҳамиятга молик жиҳатларидан яна бири унда машҳур кишиларнинг оила аъзолари ҳақида ҳам маълумот келтирилган. Зеро, бу нарса тарихнинг ҳали ёритилмаган қирраси бўлиб, кўпчиликни қизиқтириб келади. Ана шундай мисоллардан бирини келтирамиз. “Ҳаёт Шоҳ Исмоил Сафавийнинг рафиқаси. Бу аёл ҳам, кундоши Жаҳон ҳам шоира эдилар. Кунлардан бир кун Жаҳон эрига қуйидаги мисралар билан хитоб қилади:

تو پادشاه جهانى جهان زدست منه
كه پادشاه جهانى جهان بكار آيد

Мазмуни: *“Сен жаҳон подшоҳисан. Жаҳонни қўлдан бермаслик керак. Жаҳон подшоҳи учун Жаҳон керакдур”* [2: 152].

Ҳаёт бунга қарши қуйидаги мисралар билан жавоб қилади:

ترك غم جهان بكن تا از حيات برخورى
هركه غم جهان كند كه زحيات برحورى

Мазмуни: *“Жаҳон ҳасратини тарк эт, токи Ҳаётдан наф кўрасан, Жаҳон ғамида бўлган киши ҳаётдан қандай наф кўра олади!”* [2: 152].

Эҳтимол ҳеч қандай изоҳга ҳожат бўлмаганлиги сабаб муаллиф шу ўринда бу фикрага нуқта қўяди.

Тазкирани ўқир экансиз, киши ҳайратга тушади. Тарих ҳам тақдир этган аёллар бор экан деб. Улардан бири билан танишамиз: “Хотун Миср

амирларидан Алибек Булутнинг аёли. Мисрда унинг эътибор билан нуфузи баланд бўлиб, французлар Мисрни забт этганларида бу аёлга ҳурмат билан қараб, оғзидан чиққанини муҳайё қилганлар. Ҳатто ойлик нафақа ҳам тайинлаганлар.

У кўп ҳайратли, хусусан, фақир ва мискинларга марҳаматли эди. Хотун ҳижрий 1231- йили вафот этган" [2: 152]. Бундай ўринларда муаллиф воқеликка муносабат билдирмайди, фақат белгиланган маълумотларни бериш билан чекланади.

Тарих китобларида биз ўтмишнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан танишамиз. Лекин унда воқеликнинг ҳамма қирралари ҳам ёритилавермайди. "Машҳур хотунлар"дан айнан ўша тарих китобларида ёритилавермайдиган жиҳатлар ҳам ўрин олган. Масалан, "Билван Ўзбекхон ибн Тўғрулхоннинг рафиқаси. Ибн Баттута ҳижрий 575-йили саёҳати асносида ушбу аёл томонидан қабул қилиниб, зиёфатлар уюштирилиб, кўп ҳадялар олган.

Билван истанбуллик бўлиб, турк қизи... У ота-она ва туғилган ватанини зиёрат қилиш учун Константинополь шаҳрига келиб, ўша ерда вафот этади. Унинг насроний ёки мусулмон эканлиги номаълум.

Ўзбекхоннинг ўзи мусулмон бўлса ҳам, насроний хотинлари ҳам бўлиши керак. Ўтган йилларнинг бирида рус солномаларида Ўзбекхон ҳузурида рус папалари бир аёлни ўз динлари бўйича дуо қилганлиги ёзилган. Шу хабар ҳақиқат бўлса, шу каби аёллар ҳақида бўлиши керак" [2: 134].

Асардан ўрин олган ижодкор аёллар араб, форс ва турк тилида шеърлар битганлар. Бундай аёллар тарихини ёритишда муаллиф уларнинг ҳаёт йўли, жамиятдаги мавқеи, илми ва шахсий ҳаётига оид маълумотлар беради. Кейин шеърларидан намуна келтиради. Айрим ижодкорларнинг шеърини баҳолайди, айримларининг эса шеърларидан намуна келтириш билан чекланади. Масалан, "Сарий хоним усмонли шоираларининг машҳурларидандир. Ҳижрий 1230-йили Диёрбакирда туғилган. Илму адабда юксак даражага эришганидек, шеъриятда ҳам беназир эди. У Бағдод тамонларга узоқ саёҳатга чиқади, кейин Истанбулга келади. Қуйидаги мисралар унинг қаламига мансуб.

Фароғат гулшани фоний жаҳондин хасми жонодир,
На билсун меҳрибонлиқ расмин улким асли нодондир.
Фалак дилхоҳимузра душмади бир гашта даврондир,
Ниҳоли нозанинимдин жудо ҳолим паришондир.
Баним кўнглум қизил гул ғунчасиваш тўп-тўла қондир,
Очилмоқ ихтиёр этмаз агар юз минг баҳор ўлса... [2: 239].

Китобда шеър матни тўлиқ келтирилган, биз бу ўринда шеърнинг бир бандини бердик. Тазкирада шоираларнинг шеърларидан намуна келтиришда бир хиллик йўқ. Икки, учлаб шеърлар матни тўлиқ келтирилган фиқралар ҳам бор, икки, тўрт, олти, саккиз мисрани бериш билан чекланилган фиқралар ҳам бор. Муаллиф булардан ташқари айрим шоиралар ҳақида маълумот берар экан, уларнинг девони борми, шеърлари ҳатто қайси тилларга таржима қилингани, шеърий салоҳиятига ҳам алоҳида тўхталади. Шуниси диққатга сазоворки, тазкирада келтирилишича, айрим шоираларнинг истеъдоди жуда юқори бўлган, улар фақат шеърият билангина чекланиб қолмай мусиқада ҳам маҳорат касб этганлар, соз чалиб қўшиқ ҳам куйлаганлар. Масалан, Аббосий халифалар замонида Данонир исмли шеърлари ва одоби билан машҳур икки муғанния ўтган. Биринчиси вазир Яҳё ибн Холид Бармакийнинг жорияси ва Базлнинг шогирди бўлган Данонир. Унинг мусиқадаги истеъдодига Ҳорун ар-Рашид мафтун бўлади ва Яҳёнинг хонасига борар, Данонирнинг хонишини тинглаб завқланар эди. Данонирнинг заковати, шеърий қобилияти овози билан мутаносибдир. Ҳукмул-Водий исмли одам унга бир куйни ўргатгани учун хўжаси Яҳё ибн Холид ўша одамга минг динор беради. Машҳур мусиқачи ва шоир Солиҳ ибн Ҳоруннинг озод қилган собиқ қули Ақил Данонирга ошиқ бўлади ва бу воқеа халқ орасида тарқалади”.

Иккинчиси солиҳ шоирлардан бўлган Ибн Канонанинг жорияси Данонир.

У замондош бўлган адиб ва шоирлар билан мушоиралар қилар, суҳбатлар килган.

Ўзи одоб, тарбия, ҳусни сажия соҳибаси, шоира эди. Замонасидаги адиблардан Абулҳасан ал-Килобий яқинларидан бирининг вафотини эшитиб қуйидаги марсияни ёзган:

بكيت على اخ لك من قريش
فابكانا بكاؤك يا على
فمات و ماخبرناه ولكن
طهاره صحبه الخبر الجلى

Мазмуни: *Эй Абул – Ҳасан, Қурайшийлардан бўлган қариндошинг вафотига йиғладинг. Сенинг йиғинг бизни ҳам йиғлатди. Гарчи вафот этган кимса бизга маълум бўлмаса ҳам, сен каби покиза инсонлар билан яқин бўлганлиги унинг яхши инсонлигига далил бўла олади”* [2: 176].

Асардаги айрим фиқраларни ўқиш жараёнида нафақат машҳур аёллар ҳақидаги маълумот, балки тарихнинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган томонларидан ҳам хабардор бўлиш мумкин. Ана шундай маълумотларни келтирар экан, муаллиф ички ҳиссиётларини яширмай, ошкор этади. Масалан,“Тазкор Пой хотун Миср подшоҳларидан Малик Зоҳир Бибарснинг

қизи. У отасининг вафотидан 8 йил ўтиб, ҳижрий 684- йил Қоҳирада аёллар учун бир тарбияхона қурдириб “Работи Бағдодия” деб номлади ва уни идора қилишни Бинт ал-Бағдодияга топширади. Бу хонақоҳда ибодат билангина чекланилиб қолинмай, турли диний илмлар ўргатилар эди. Бу дорулфунун тингловчилари орасида эри ташлаб кетган, бева ва иддадаги[1] аёллар ҳам бор эди. Улар бу ерда илм олар ва ҳунар ўрганар эдилар. Бу ердаги устозлар, тингловчилар ва ходимлар ўртасидаги интизом ниҳоятда кучли эди. Тарбияхонани бир шайха идора этар, унинг ўзига қўйилган талаб эса қуйидагича эди: илмда маҳорат касб этган, гўзал хулқли, ўқиш ва идора ишларига иқтидорли бўлиши шарт эди. Дарслардан ташқари воизлар томонидан насиҳатлар ҳам эшитилинар эди. Ана шундай фойдали бир тарбияхона бир сабаб билан ҳажрий 809-йил ёпилди. (Бизларга ибрат! Аёлларга воизаларимиз йўқлиги сабаб айримларини фоҳишаликка ўргаттик. Дарсхона ва бир тарбияхонамиз йўқлиги сабаб катта шаҳарларда ўйин-кулги билан мубтало бўладиган хоналар очдик. Вой бизнинг ҳолимизга!?... (*Муаллиф)*.

Тазкор Пой хотун отаси каби ҳимматли, саховатли, илм аҳлини ҳимоя қиладиган аёл эди” [2: 114].

Ўрта аср мусулмон Шарқида мусиқа ҳақида сўз кетганда гўё бу соҳа фақат эркакларга тааллуқлудай туюлади. Манбаларда ҳам кўпроқ уларнинг исмлари тилга олинади. “Машҳур хотунлар” асарининг яна бир эътиборга молик жиҳати, ундан муғанниялар ҳақидаги фикралар ҳам ўрин олган. Муаллиф улар ҳақида сўз айтар экан, аксарият муғаннияларнинг туғилган ва тарбияланган жойи, қайси ҳакмдор даврида яшаганлиги, устозлари, ўзи мансуб бўлган муҳитда тутган ўрни, ҳаётидаги аҳамиятга молик бўлган воқеа ҳодисалар ва ҳоказолар ҳақида маълумот беради. Китобхон эса ана шу маълумотлар билан танишар экан, ўша давр маданий ҳаёти, мусиқага муносабат ҳақида анчагина маълумотга эга бўлади. Масалан, “Дифоқ аббосий халифалар замонида етишиб чиққан муғаннияларнинг энг машҳурларидан, адиба ҳам бўлган.

У ҳусну малоҳати, мусиқадаги маҳорати ва латофати билан машҳур бўлиб, сўзлари ёқимли, нозикфаҳм аёл эди...” [2: 174] ёки “Убайдатут Танбурия машҳур муғанниялардан бўлиб, Сабоҳ исмли кишининг қизи. У танбур чертишда тенги йўқ бўлиб, ўзи келишган, овози ёқимли, хушбўй, муҳаббатли, мулойим ва жозибали аёл эди. Замондош адиблар орасида эътибори баланд бўлган. Танбурида: “Ишқ муҳаббатда хиёнатдан бошқа ҳаммасини кечирса бўлади” мазмунидаги байт ёзилган. “У ҳақда кўплаб

[1]Идда - бева аёлнинг кейинги турмушга чиққунига қадар кутиши лозим бўлган муайян муддат (4 ою 10 кун).

шеърлар ёзилган” [2: 313]. Кўринадики, давр, замона аҳли мусиқадан яхши хабардор бўлган. Шу сабаб бундай истеъдодларни қадрлай билганлар.

Шуниси таҳсинга сазоворки, бу муғанниялар нафақат соз чалишда моҳира, балки ширали овозда куйлай оладиган, хаттотлик илмида етук, шахматда беназир, одоб илмида тенгсиз, хушсурат, суҳбати ёқимли, жамолу камолда тенгсиз бўлганлар. Муаллиф бу аёллар ҳақида сўз айта туриб, муносабат ҳам билдиради. Уларнинг қаерда бу даражада камолот касб этганлари ҳақида шундай ёзади: “... Улар Шарқда – Макка, Мадина, Басрада тарбия кўриб, таҳсил олганлар. ...Москва, Қозон, Берлин ёки Венада эмас!” [2: 216] ва ҳоказо.

Тарихда яшаб ўтган юқори нуфузга эга бўлган ҳукмдорларнинг кўпчилигининг доно маслаҳатчилари ва оқила аёллари бўлган. Улар салтанатни бошқаришда, албатта ўз таъсирларини ўтказганлар. Ана шундай аёллардан бири Туркон хотундир. “У Эронда ҳукмдорлик қилган салжуқийларнинг учинчиси бўлган Маликшоҳ Абулфатҳ Жалолиддин (“Тарихи Жалолий” унинг қаламига мансуб) ибн Алп Арслон ибн Чиғарбекнинг хотини. Туркон хотун ақлли ва тадбирли аёл бўлиб, сиёсий ишларда фикри равон ва нуфузи баланд эди. Ҳатто Маликшоҳнинг давлатидаги интизом ва барқарорлик Туркон хотун ҳамда вазири Низомул мулкнинг тадбири сабаб вужудга келган, дейишади.

Бу аёлнинг тадбирининг самараси сифатида яна шуни айтиш мумкинки, қизини аббосий халифа Муқтадо сўраттирганида Маликшоҳ бу ишни Туркон хотун ҳукмига ҳавола қилади. Туркон хотун Муқтадо Биллоҳ олдига қуйидаги шартларни қўяди:

1. Бошқа хотинга уйланмаслик.
2. Жория сақламаслик.
3. Бирор кеча бошқа жойда тунамаслик.

Бу никоҳдан Абулфазл Жаъфар дунёга келади...

Туркон хотун ҳаммага ёқимли бўлиш билан бирга оқилона хатти-ҳаракати сабаб унга қарши чиққанлардан ғолиб келар эди. У иззат ва ҳурмат билан яшаб, ҳижрий 487-йилда рамазон ойида вафот этди. Масжидлар, мадрасалар, шифохона ва ҳастахона каби кўп бинолар қурдириб қолдирди” [2: 115].

Кўринадики, тазкирада айрим аёллар фаолиятига бағишланган фиқрада муаллиф уларнинг эътиборга молик ишлари, тадбирлари ва тарихда номлари қолишига сабаб бўлган фаолиятлари ҳақида маълумот бериш билан кифояланади, ҳеч қандай муносабат билдирмайди.

Тарихда ўтган улуғ шахслар ҳаётига назар ташласак, улар тождорми, олимми – муносиб ворислари қизлари бўлган. “Машҳур хотунлар”да кўплаб

бундай тақдирларнинт гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, “Нузор туркий тилимиз грамматикасини биринчи бўлиб ёзган Абу Ҳайён Наҳвийнинг қизи.

У Андалус адибаларидан эди. Заковати юксаклиги учун отаси қизини Ҳайён исмли ўғлидан кўпроқ яхши кўрар ва доим уни мақтар эди.

Нузор отасидан илм ўрганди, ҳажга бориб Ибн Зубайднинг дўстларидан ҳадис тинглади. Аммо ҳижрий 730- йил 28 ёшида вафот этди.

Қизининг вафотидан сўнг Абу Ҳайён беқарор, ғамгин бўлиб қолди. У бир йил қизининг қабрига қатнаб марсиялар ўқиди, ҳатто бироз чалғитади деган умидда китоб ҳам ёзди.

Нузорнинг вафоти хабарини эшитган Салоҳиддин Сафадий [1] ҳам марсия ёзган”.

Шундай аёллар бўладики, нафақат ажойиб бека ва она сифатида таҳсинга сазовор бўлганлар, балки ақлларни лол қолдирадиган ишлари, гўзал хулқ-атвори, илм-фан учун қолдирган улуши ва жамиятдаги юксак мавқеи билан ҳам ўрнак бўлганлар. Муаллиф тазкирада бундай аёллардан бир нечтаси ҳақида маълумот беради. Бундай фикрларнинг айримлари батафсил ёритилган бўлса, айримлари қисқача маълумотлар бериш билан чекланилган. Масалан, “Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Зайд ибн ал-Ҳасан ибн Али ҳазратларининг “Каримат ад-дорин” ва “Тоҳира” дея лақаб берилган қизи Ситту Нафиса.

Нафиса зуҳду тақвоси ва караму саховати билан машҳур бўлиб, ҳижрий 208-йил рамазон ойида 63 ёшида рўзадор ҳолида вафот этган. Мисрга дафн этилган. Унинг Исҳоқ ал-Мўътамин ибн Жаъфар ас-Содиқ ҳазратларидан Қосим ва Умму Қулсум исмли фарзандлари бўлган.

Нафиса эри ва болалари билан Мисрга кўчиб ўтган. Вафотидан кейин эри унинг муборак жасадини Мадинага олиб бормоқчи бўлганида Миср халқининг илтимосига мувофиқ шу ерда дафн этилади ва қабри зиёратгоҳ қилинади. Нафиса солиҳа, зоҳида, мискин ва камбағалларга, ғарибу хасталарга ниҳоят даражада марҳаматли, улардан ёрдамини аямас эди. Имом Шофеий ҳазратлари Нафисанинг илм мажлисига қатнашар ва ҳадис тинглар эди. У киши вафот этганларида Саййидаи Нафиса ҳазратларининг ҳам жаноза намозида қатнашганлиги ривоят қилинади.

У 30 маротаба ҳаж қилган, кўпида яёв борган. Одати шундай эдики, уч кунда бир марта овқатланар эди. Ҳатто жон берар вақтида ҳам рўзадор бўлган, ёнидагилар рўзасини ҳар қанча ялинсалар ҳам *“Субҳоноллоҳ, 30 йил*

[1] Салоҳиддин Абу ас-Сафо Ҳомил ибн Ойбек ибн Абдуллоҳ ал-Албаки ал-Форий ас-Сафадий ад-Дамашқий. Ҳижрий 696-йил Сафадда туғилиб, ҳижрий 764 йил 10 шавволда Дамашқда вафот этган. Наҳвшунос, тилшунос ва адабиётшунос олим.

жаноби Ҳақдан рўзадор ҳолимда жонимни ол, – дея илтижо қилдим. Энди рўзамни очаманми, бўлмайди”, – деган экан. Кейин Қуръондан “Анъом” сурасини ўқий бошлаб, ... “لهم دار السلام عند ربهم” оятига [2] келганида жони узилган экан. Унинг эри билан Мисрга келиши ҳижрий 193 ёки 196 йилга тўғри келади. Нафисанинг келиши хабарини эшитган Миср аёллари шаҳар ташқарисига чиқиб кутиб олишади ва биргаликда шаҳарга киришади.

Мисрдаги аббосий халифаларнинг биринчиси бўлган Абулаббос Аҳмад ҳижрий 701-йил вафот этишидан олдин Саййида Нафиса мақбараси яқинига дафн қилишларини васият қилади. Васияти бажо келтирилади.

Нафиса ҳазратлари ҳаёт чоғида ўз қабрини қўли билан қазиган, дейишади” [2: 387].

Хуллас, Ризоуддин ибн Фахриддиннинг “Машҳур хотунлар” асари аёлларга, оналарга ҳар томонлама ибрат кўрсатадиган, айни дамда уларни тарих билан ошно қиладиган бир манбадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири/ Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. Тошкент, 2016.
2. Ризоуддин ибн Фахриддин. Машҳур хотунлар. Оренбург, 1904.

М. Эшмуҳамедова

Машҳур аёллар тарихи ўрин олган “Машҳур хотунлар” тазкираси ҳақида

Ушбу мақолада аббосий ва умавий халифалар даврида яшаб ижод қилган шоиралар, ўз фаолиятлари билан жамият тараққиётига муҳим ҳисса қўшган машҳур аёллар тарихи ёритилади. Маълумотлар XIX асрга мансуб “Машҳур хотунлар” тазкираси асосида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *мусиқа, чолғу, муғаннния, манба, Уммавийлар, Аббосийлар, шеър, қобилият, устоз, нота.*

М. Эшмухамедова

О тазкире “Известные женщины” в которой и описываются эти известные женщины

В данной статье речь идет о знаменитых женщинах, которые внесли ценный вклад в развитие общества и искусства во время

правления Аббасидов и Омеядов. Материал дается на основе тазкиры «Машҳур хотунлар» (“Выдающиеся женщины”) XIX вв.

Ключевые слова: *музыка, музыкальный инструмент, музыкант, источник, Омейяды, Аббосиды, стихотворения, способность, наставник, нота*.

M. Eshmuhamedova

About tazkira “Famous women” in which they discribed

This article deals with the historical women who lived in the period of Abbasids and Omeyads (halifa) and contributed a lot in the development of human`s society. These women were famous. The information is based on the reference manual “Famous women” that belonged to the 19th century.

Key words: *music, musical instrument, source, the* Omeyads, *the Abbasids, poem, ability, advisor, note.*

Ш. Аҳмедова

Кувайт адибалари ҳикояларида тадрижий ривож

Кувайтда, умуман, Форс кўрфази ҳудудидаги араб мамлакатларида аёллар ижодининг пайдо бўлиши, энг аввало, аёлларнинг таълим олиши ва умуман, мамлакатда таълим тизимининг кенгайиши билан боғлиқ. Агар Миср, Сурия, Ливан, Ироқ, Фаластин каби араб мамлакатларида аёллар адабиёти етарли даражада ривожланган ва XX асрнинг бошидаёқ Мей Зияде, Ойша Теймур, Бинт аш-Шотий (Ойша Абдурраҳман), Фадва Туркан, Нозик ал-Малаика каби адабиётчи аёллар сиймосида кўплаб ўзининг йирик вакилаларига эга бўлган бўлса, Форс кўрфазидаги араб мамлакатларида бу ҳодиса XX асрнинг биринчи ярмида камдан-кам учрайдиган ҳол эди. Бу эса, мазкур ҳудудда аёллар орасида ижод билан машғул бўлган зиёлилар мутлақо бўлмаган экан, деган маънони англатмайди, уларнинг аксарияти оғзаки ижод қилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Кувайтда қизлар жамоавий таълим олиши Баҳрайндан ўн йил кейинроқ 1937 й., Қатарда 1954 й., Араб Амирликларида 1955 й., Саудия Арабистонида 1960 й., Уммонда 1970 йилда жорий қилинган. Таълим тизимини жорий қилишдаги фарқланишга қарамай, аёлларнинг илк ижод намуналари ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида пайдо бўлди, шунингдек, Ибтисом Абдуллоҳ Абдуллатифнинг «Қизчанинг